



ВЕНЧУР КАПИТАЛИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШДА ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ЁНДАШУВИ

Абдурахманов Камолиддин Батирович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0000-7096-484X

abdurakhmanovkamoliddin89@gmail.com

Аннотация. Мақолада венчур капиталининг тақрор ишлаб чиқариш жараёнида доиравий айланиши, унда капиталнинг иқтисодий субъектларининг характеристики, доиравий айланиши жараёнида капитал шаклларининг ўзгариши ва унинг хусусиятлари очиб берилган.

Ключевые слова: венчур капиталнинг доиравий характеристики, тақрор ишлаб чиқариш, инвестор, инноватор-интеллектуал, креатив ходим, мулкдор, венчур инвестиция, инновация, инновацион инвестирование.

ВОСПРОИЗВОДСТВЕННЫЙ ПОДХОД К ИССЛЕДОВАНИЯМ
ВЕНЧУРНОГО КАПИТАЛА

Абдурахманов Камолиддин Батирович

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В статье рассматривается кругооборот венчурного капитала в процессе воспроизводства, в нем отражен движение хозяйствующих субъектов капитала, изменение форм капитала в процессе кругооборота и его характеристики.

Ключевые слова: кругооборот венчурного капитала, воспроизводство, инвестор, новатор-интеллектуал, креативный работник, владелец, венчурное инвестирование, инновация, инновационное инвестирование.

A REPRODUCTIVE APPROACH TO VENTURE CAPITAL RESEARCH

Abdurakhmanov Kamoliddin Batirovich

Tashkent State University of Economics

Abstract. The article examines the circulation of venture capital in the process of reproduction, it reflects the movement of economic entities of capital, the change in the forms of capital in the process of circulation and its characteristics.

Keywords: venture capital circulation, reproduction, investor, intellectual innovator, creative worker, owner, venture investment, innovation, innovative investment.

Кириш.

Жаҳонда глобал венчур капитал бозори сезиларли ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Агар 2021-йилги ҳисоб-китобларига кўра, жаҳонда глобал венчур инвестициялар 38644 та транзакцияларда 671 миллиард долларга етган бўлса, шу жумладан АҚШда 330 миллиард доллар, Европада 123 миллиард доллар, Осиё-Тинч океани миңтақасида 181 миллиард доллар бўлса, 2023-йилда пул-кредит сиёсатининг кескинлашуви шароитида венчур капитал қўйилмалар ўтган йилга нисбатан учдан биридан кўпроққа камайди¹. Бу эса ҳозирда жаҳон иқтисодиётида венчур капиталини ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларнинг долзарб аҳамият касб этаётганлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда ривожланган давлатларнинг венчур капитални ривожлантишнинг турли моделларининг айрим тажрибалари миллий иқтисодиётга жорий этилган, аммо саноат илмий-техникавий ривожланишнинг стратегик дастурига асосланган миллий модел ҳали тўла ишлаб чиқилмаган. “Олимларнинг иш ҳақи ҳам 4,5 баробар оширилди. Буларнинг барчаси ҳисобидан нано ва биотехнологиялар, рақамли технология каби 18 та янги илмий йўналиш ташкил этилди. Келгуси йили илм-фан ва инновацияларга 1,8 триллион сўм ажратилади” (Мирзиёев, 2022). Ўзбекистонда венчур инвестициялар соҳасида давлат инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги мураккабликлар, яъни юқори даражада таваккалчиликни тавсифловчи институционал, молиявий ва бошқа омиллар ҳамда кафолатланган иқтисодий самаранинг йўқлиги туфайли ушбу капитал салоҳиятидан етарли даражада фойдаланилмаяпти.

Адабиётлар шарҳи.

Инновацион фаолиятни инвестициялаш унда венчур капитални ривожлантириш стратегияси масалалари билан бир қатор хорижлик олимлар илмий ишларидаги ўз ифодасини топган.

Венчур капиталини инвестициялаш босқичлари ва венчур капиталининг инновацион фаолият жадаллашувига таъсири каби масалалар Масачусетс Технологиялар институти олимлари Гомперс ва Лернерларнинг (2004) ишларida атрофлича кўриб чиқилган. АҚШлик иқтисодчи олим, профессор Уилям Баумол инновацион тадбиркорликни иқтисодий ўсишнинг асосий драйверларидан бири деб ҳисоблайди. Баумолнинг фикрига кўра, венчур капитал сармоядорлари таваккалчиликни юқори даражада баҳолаган ҳолда стартапларга қўллаб-қувватлаш бериб, уларнинг тезкор ривожланишига ёрдам беради (William Baumol, 1993).

Миллий хўжаликнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда венчур инвестицияларнинг назарий ва услубий муаммоларини ишлаб чиқган кўплаб Россиялик иқтисодчи олимлар ушбу мавзуга бағишлиланган илмий-тадқиқот ишларини олиб борган.

Венчур капитали кўп қиррали тушунча бўлиб, 2000-йилларнинг ўрталарида рус олимлари Каржаув ва Фоломьев (2005) томонидан ёзилган “Миллий венчур инвестиция тизими” асарида таъкидлаб ўтилган. Фоломьев, (1999) венчур капиталини инвестиция шакли сифатида қараб, юқори ишбилармонлик фаоллиги ва юқори фойда олиш салоҳияти билан ажralиб турадиган инновацион тадбиркорликнинг кичик ва ўрта шаклларини яратиш билан белгиланади деб таъкидлайди.

Ўзбекистонлик олим Дўстов (2024) хulosасига кўра “Венчурли капитал бизнинг фикримизча бу - корхоналар ва фирмалар (стартаплар) бозорида янги ўсиб бораётган ёки курашадиган ва шунинг учун юқори ёки нисбатан юқори даражада риск билан боғлиқ бўлган молиявий маблағларни жалб килиш учун мўлжалланган инвесторлар капитали бўлиб, юқори даромадлар кутган ҳолда қимматли қофозларга ёки бизнесга узоқ муддатли инвестициялардир.

¹ Global venture capital annual investment shatters records following another healthy quarter.: <https://home/>

Тадқиқот методологияси.

Мақолада диалектика, тизимли, интеграл ва синергетика ёндашувлар, иқтисодий, мантиқиј, илмий абстракция, таҳлил ва синтез, иқтисодий жараёнлар ва тизимларни моделлаштириш, индукция ва дедукция, қиёслаш, умумлаштириш, гурухлаш ва график усулларидан фойдаланилади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Венчур капиталини тақрор ишлаб чиқариш жараёни ва унинг ижтимоий тақрор ишлаб чиқаришдаги муомаласи, иқтисодий муносабатларнинг хусусиятлари ва институционал шарт-шароитлари тақрор ишлаб чиқариш ёндашуви методологиясидан фойдаланишга имкон беради. Бу ёндашув қуйидагиларни очиб беради: иқтисодий муносабатлар мазмуни ва венчур капиталнинг ўз-ўзидан ўсиб борувчи қиймат сифатида фаолият кўрсатиши ва ривожланишининг объектив қонуниятлари; унинг ижтимоий тақрор ишлаб чиқаришда доиравий айланенининг хусусиятлари ва иқтисодиётнинг таркибий тузилмасига таъсири; расмий ва норасмий институтлар харакати таъсирида шаклланаётган инсонларнинг иқтисодий хулқи; венчур капитал бозори субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартиба солиш механизmlари; қўшилган қиймат яратиш манбай ва уни тақсимлаш ва ўзлаштириш тавсифи.

Капитални венчур капиталига айлантириш технологиялари бундай метаморфоз учун зарур бўлган босқичларнинг маълум бир кетма-кетлигини ўз ичига олади. Биринчидан, корпорациянинг ссуда ёки ўз капиталининг бир қисмини алоҳидалашуви юз беради. Иккинчидан, мулк капитал, унинг капитал функциясидан ажралади. Икки турдаги капитал (молиявий ва венчур капитал) учун қийматнинг ўз-ўзидан ўсиб бориши шарт-шароитлари рискларнинг табиати, инвестицияларнинг давомийлиги, инвестиция йўналишлари (анъанавий/инновацион), инвестиция обьектлари (янги яратилган ёки тез ўсиб бораётган) бўйича бир-биридан сезиларли даражада фарқ қиласди.

Венчур капитали илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш жараёнида интеллектуал-инноваторлар ва профессионал инвесторларнинг ўзига хос манфаатларига бир хил даражада хизмат қилиши; инновацион бизнесни юритиш тажрибасини венчур тадбиркорига ўтказиш орқали риск тақсимотини таъминлаш; бозорга янги турдаги маҳсулотларни киритиш орқали инновацияларни рағбатлантириш, илмий-техникавий тараққиёт ва истеъмол суръатларини жадаллаштиришга қаратилган. У реал капитал шаклида фаолият юритади, доимий муомалада бўлади, ижтимоий капиталнинг фаолият кўрсатиши ва тақрор ишлаб чиқарилишининг умумий қонуниятларига бўйсунади, бозор ва нобозор манбаларидан шаклланади ва ўзига хос функцияларни бажаради.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра, венчур капитал инновацион тақрор ишлаб чиқарishни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, иқтисодий ўсиш сифати ва суръатларини жадаллаштириш, биринчидан чекланган бюджет ресурслари, иккинчидан банк кредитлаш рискларини чекловчи меъёрий нормативлар туфайли давлат ва банк капитали фаолият кўрсата олмайдиган жойларда у инновацияларни молиялаштириш оқимларини тўлдиради. Венчур капитали икки шаклда муомалада бўлади: хусусий (корпоратив бўлмаган) стартапларни дастлабки босқичларида ҳам мустақил равишда экспертизадан ўтказишида кўп меҳнат талаб қилувчи бизнес капитали ҳамда бозорларни таҳлил қилиш ва самарали портфелларни шакллантириш кўнікмаларига эга бўлган топ-менежерлар томонидан бошқариладиган корпоратив венчур фонdlарининг капитали.

Ўзининг мустақил иқтисодий манфаатларига эга бўлган, венчур капиталнинг доиравий айланмасининг иқтисодий субъектларига венчур инвестор; инноватор-интеллектуал; венчур капиталист - ишлаб чиқариш воситалари мулқдорлари; креатив

ходим - алоҳида ўзига хос комъпетенцияларга эга бўлган ишчи кучи эгаси; инновацион маҳсулот истеъмолчилари киради.

Венчур муносабатларининг иштирокчилари, биринчи навбатда, "ишчи кучи" тавсифининг мулқдорлари бўлган иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан мустақил ишчилар, шу жумладан креатив ишчилар (инноватор интелектуаллар, инноватор тадбиркорлар, профессионал менежерлар, юқори малакали ишчилар ва ялпи креатив ходимларни ифода этувчи оддий ижрочилар). Иккинчидан, улар капитал мулқдорлари (институционал инвесторлар ва бошқалар), венчур циклда (анъанавий ишлаб чиқариш циклида иштирок этувчи) ижтимоий-иқтисодий шаклини олган ишлаб чиқариш воситаларининг капитал шакли бўлган хусусий эгалари сифатида ҳаракат қиласди. "Капитал мулқори эгаси маълум бир товар "иш кучи"ни сотиб олади, у "капиталга тегишли бўлган ва у томондан бошқариладиган ишлаб чиқариш воситалари билан қўшилади" (Бузгалин, 2012). Сотиб олиш шакли ўзига хосдир. Биринчидан, меҳнатга ҳақ тўлаш шакли сифатида иш ҳақи тайинланади (меҳнат ва капитал ўртасидаги анъанавий муносабатлар сифатида белгиланади). Иккинчидан, инноватор-интеллектуал ва/ёки инноватор-тадбиркорнинг хусусий интеллектуал мулки бўлган "креатив ғоя" (инновация) инноваторнинг венчур корхона капиталига қўшган "ҳиссаси" сифатида капитал томонидан "баҳолаш"га тортилади. Креатив ишчиларнинг меҳнати бутун инновацион цикл давомида капиталга бўйсунади. Венчур компанияси томонидан юқори меҳнат унумдорлигига эришиш капиталистга индивидуал харажатларни ижтимоий зарурӣ қийматдан пастга тушириш ва қўшимча қийматни, яъни ишчи кучи сотиб олинган харажатларнинг бир неча баробар максимал даражада оширишни таъминлаш имкониятини беради.

Венчур капитали ҳаракатининг такрор ишлаб чиқариш жараёни барча хўжалик иштирокчилари, уларнинг манфаатлари, манбалари ва амалга ошириш механизмларини қамраб олиш имконини беради. Венчур капитали ҳаракати жараёнигин ташаббускори ва катализатори ким бўлишидан қатъи назар, венчур капиталининг объектив айланишига асосланган муносабатлар занжири маълум бир мантиққа эга бўлади.

Бошланиш нуқтаси бу пул капиталидир. Пул капитали ташувчининг фоизлари фоиз кўринишидаги муқобил даромаддан паст бўлмаган даромаддир. Венчур инвестор қўшимча риск учун мукофотини олишни кутади, чунки юқори фойда олиш потенциалига эга бўлган янги қиймат (инновацион маҳсулот) бозор томонидан тан олиниши ёки рад этилиши мумкин. Кейинги субъект бу - инновацион маҳсулотни яратиш жараёнида пул капиталидан фойдаланиш жараёнини ташкил қилувчи тадбиркор. Унинг манфаати ўртача фойдадан кам бўлмаган фойда ва инновацион компанияни бошқариш риски учун мукофот олишдир. Тайёр инновацион маҳсулотдан бошқа товарлар ишлаб чиқарувчи венчур капиталисти тадбиркор фойдаланади. У инновацион маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ҳаражатларини қоплаш хамда ҳеч бўлмаганда ўртача фойда олишни кутади.

Янги қийматда суғурта мукофотининг ҳаражатлари алоҳида ўрин эгаллайди, чунки юқорида айтиб ўтилганидек, венчур капиталининг хусусиятларидан бири унинг юқори рисклилиги бўлиб ҳисобланади. Кутилаётган даромадлиликнинг бутун занжири учун қоплаш манбай ҳақида савол туғилади. Бу унумли ишлаб чиқариш капиталининг фаолияти доирасида инновацион маҳсулотни яратувчи ижодкорларнинг ижодий, инновацияларга бой креатив меҳнатидир. Креатив меҳнат тадбиркорлар учун иш ҳақини қопладиган, пул ва венчур капиталистлари учун фоизли даромад ва риск мукофотини берувчи янги қиймат яратади.

Венчур капиталини тадқиқ этишга молиявий ёндашув жараённинг барча иштирокчиларининг иқтисодий манфаатларини қондириш манбасини очиб беришга имкон бермайди. Такрор ишлаб чиқариш ёндашуви жараён иштирокчиларининг

иқтисодий манфаатларини қондириш учун янги қиймат яратувчи креатив омилнинг алоҳида ролини очиб бериш билан бирга, венчур капиталининг ҳаракат айланишини унинг барча иштирокчилари ва уларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда кузатиш имконини беради. Венчур капитали ҳаракатининг ўзига хос хусусияти шундаки, барча иштирокчиларни рискли инвестиция хулқи бирлаштиради, бу келажакдаги фойда оқимиға эга бўлиш учун техник ва технологик инновацияларни иқтисодий доиравий айланишга самарали ҳаракатини таъминлайди. Бу ерда венчур капиталининг ўзига хос капитални, "инновацион-интеграцион", ҳамкорликда эгалик қилиш, ишонч ва шериклик тамойилларида молиявий, интеллектуал ва инсон капиталининг "синтезини" таъминлайдиган функцияси очиб берилади.

Ривожланишнинг дастлабки босқичларида юқори технологияли лойиҳаларга ўз капиталининг бир қисмини тўғридан-тўғри инвестиция қиласидиган креатив ходимларнинг ижодий меҳнати бизга дастлабки инвестициялар ҳажмини бир неча баравар оширишга имкон беради. Шундай қилиб инновацион маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёни капиталистик ишлаб чиқариш тавсифига эга бўлиб, бу ерда ёлланма ишчилар, креатив ва оддий ишчилар ҳамкорликда янги қиймат яратадилар.

Ихтиrolарни тижоратлаштиришга қаратилган инновацион фаолият икки меҳнат шаклининг бирлигига намоён бўлади. Биринчидан, универсал (ижодий), натижада қашфиёт / ихтиро / илмий иш ва олдинги тадқиқотлар натижаларига асосланган. Иккинчидан, шахсларнинг бевосита ҳамкорлигини назарда тутувчи қўшма индивидлар кооперацияси (Маркс, 1962). Венчур бизнесида янги қиймат, шу жумладан қўшилган қиймат ва унинг кўп маротаба бозор капиталлашуви, "хусусий" ва "умумий" интеллектуал мулкда ифодаланувчи инновацион тадбиркорларнинг креатив меҳнати билан яратилади. Шу сабабли венчур капитал икки томонлама хусусиятга эга: ташувчиси инноватор-интеллектуал бўлган ғоялар ва ихтиrolарни яратиш ва уларни инновацион маҳсулотлар ва технологияларга ифода этиши учун генерациясини таъминловчи, шу жумладан пул рағбатларини яратувчи "хусусий" интеллектуал мулкдорлардир.

Бироқ, венчур капитал инвестор профессионал томонидан назорат қилинади. Капитал креатив ходимларнинг инновацион фаолиятини назорат қиласи, уларни ўз меҳнатлари натижасидан бегоналаштиради ва интеллектуал маҳсулотларни тақсимлаш соҳасини назорат қиласи; "Умумий" интеллектуал мулк (маълум бир соҳада ялпи жамғарилган билим) барча креатив ходимлар учун олиш имконияти мавжуд бўлиб, уларнинг меҳнат натижалари билан бевосита бирлашишига ҳисса қўшади, креатив шахслар ўртасида ҳамкорлик қилиш ва ижодий салоҳиятни ошириш учун имкониятлар яратади, бироқ у ижодий фаолият учун бозор рағбатларини яратмайди.

Венчур капитали учун К. Маркс томонидан олинган позиция ўз кучини сақлаб қолади, "ишчилар томонидан қўшимча қиймат ишлаб чиқариш ва уни капитал томонидан ўзлаштириш ("эксплуатация муносабати") ... капиталнинг барқарор фаолият юритиш учун зарур ва етарли шарт бўлиб хизмат қиласи, ва "капиталнинг такрор ишлаб чиқарилиши муомала воситасида амалга оширилади" (Сорокин, 2016).

Венчур капиталининг такрор ишлаб чиқариш циклидаги доиравий ҳаракати молиялаштириш, ишлаб чиқаришнинг ўзига хос омилларига айлантириш, инновацион маҳсулотни яратиш, уни жорий этиш ва иқтисодий самара олишни қамраб олади. Венчур капиталининг бошланғич функционал шакли венчур инвестор томонидан авансланган пул капиталидир. Венчур капиталини аванслаш тамойиллари ўзига хосдир. Биринчидан, иштирокчиларнинг муносабатлари умумий мақсадга эришиш учун ҳамкорлик тавсифига эга бўлиб - умумий бозор харажатларига нисбатан индивидуал харажатларни минималлаштириш орқали эришилган аванс капиталини кўп маротаба капиталлаштириш, чунки бу бозорга инновацион маҳсулот билан кириш унга монопол имкониятини беради. Иккинчидан, инвестиция объекти келажакда энг юқори даромад

келтириши мумкин бўлган лойиҳани излаш контекстида синчковлик билан танлаш тартиб-қоидаларидан ўтади. Шунинг учун инвестициялаш мақсадли тавсифга эга бўлиб, капитал лойиҳадан "чиқиб" ва унинг пул шаклини қабул қилингунча тўла назорат қилинади.

Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда "Венчур капитал тўғрисида"ги норматив-хуқуқий база тўла шаклланмаган. **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 3.11.2020 йилдаги 684-сон қарори (2020)** билан «UzVC» миллий венчур фондидан ташкил қилинди. Фонднинг устав капитали 15 млрд сўм миқдорида 2020 йил Давлат бюджетидан Инновацион ривожланиш вазирлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан шакллантирилади, устав фондидаги 100% улуш Давлат активларини бошқариш агентлигига берилди. Фонд юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий шахслар билан шерикликада венчур лойиҳаларни молиялаштиради.

Бугунги кунда Ўзбекистонда венчур капитал Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан тўртинчи очиқ мулоқоти доирасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, барқарор стартап лойиҳалар экотизимини шакллантириш ва венчур капитал бозорини кенгайтириш орқали мамлакатимизга хорижий венчур инвестицияларини жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Стартап лойиҳалар ва венчур молиялаштириш экотизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ-357-сон қарори (2024) асосий норматив хужжат бўлиб ҳисобланади.

Технологик стартаплар учун венчур капиталларининг аҳамияти шундан иборатки, бу сармоялар нафақат молиявий ёрдам беради, балки тажрибали инвесторларнинг маслаҳатлари ва стратегик ресурсларига эга бўлиш имконини яратади. Шунингдек, аксарият стартаплар учун илк босқичда даромад олиш қийин бўлгани учун венчур сармоялар фаолиятни қўллаб-қувватлашда муҳимdir. Бундай сармоялар мамлакатлар иқтисодиётида инновацион секторнинг улушкини оширишга, янги иш ўринлари яратишга ва юқори технологик ечимларни ишлаб чиқишига ёрдам беради (Ашуррова, Атамурадов, 2024).

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса сифатида венчур капитали юқори технологияли секторда доиравий айланади ва инвестор ва инноватор ўртасида паритет асосда тақсимланган юқори рисклар билан боғлиқ.

Молиявий капиталнинг алоҳида шакли сифатида, бу ҳақиқий реал капитал бўлиб, у ўзининг такрор ишлаб чиқариш жараёнида бир шаклдан бошқасига кетма-кет ўзгариб туради, саноат капиталининг барча шаклларидан ўтади, бошқасига шаклланади.

Капитални бир шаклдан иккинчисига конвертациялаш венчур капиталист учун танлов ҳолатини ўз ичига олади. Инновацион интелектуаллар ва ёки инноватор-тадбиркорларнинг креатив фаолияти бозор трансакциялари ҳажми, макони ва салоҳиятини кенгайтиришга ёрдам беради. Венчур капитали самарали талаб мавжудлиги билан тавсифланган бозорлар учун инновацион маҳсулотни яратишга қаратилган. У қўшимча қийматнинг ўсиши билан таъминланадиган техник тараққиёт соҳаларини ривожлантиришга ёрдам беради; бироқ бу ҳар доим ҳам ижтимоий бойликлар ҳажми ва сифатининг ошиши билан бирга амалга ошмайди.

Шундай қилиб, такрор ишлаб чиқариш ёндашуви нуқтаи назаридан венчур капиталини истиқболда фойда оқимини олиш учун, техник ва технологик инновацияларни иқтисодий доиравий оборотга самарали жорий этишини таъминлаш, рискли инвестицион хулқ хусусиятлари ва қўнималарни жамғариш ва уни генерациялаш бўйича ижтимоий-иктисодий тизим муносабатлари субъекти сифатида қараш мумкин.

Адабиётлар/Литература/Reference:

- Gompers P., Lerner J. (2004) *The Venture Capital Cycle*. Massachusetts Institute of Technology. – Р. 555.
- William J. Baumol, (1993) Academic Director Berkley Center for Entrepreneurial Studies William J Baumol. *Entrepreneurship, Management, and the Structure of Payoffs*. MIT Press, -311.
- Ашуррова Н.Б., Атамурадов Ш.А. (2024) Технологик стартаплар учун венчур капиталини жалб қилиш стратегиялари. Иқтисодий тараққиёт ва таҳлил, октябр. Б.320.
- Бузгалин, А.В. (2012) Эксплуатация XXI века. От наемного рабочего и прибавочной стоимости к «креативному классу» и интеллектуальной ренте? / А.В. Бузгалин, А.И. Колганов // Свободная мысль. – № 7/8. – С. 125–158.
- Дўстов Ф.И. (2024) Венчур капитали: келиб чиқиш тарихи ва илғор ҳорижий тажрибалар. “Яшил иқтисодиёт ва тараққиёт” Журнал. август. № 8-сон. Б.410.
- Каржауў, А.Т. (2005) Национальная система венчурного инвестирования / А.Т. Каржауў, А.Н. Фоломъёв. М.: ЗАО «Издательство «Экономика», – 239 с.
- Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 3.11.2020 йилдаги 684-сон қарори.
- Қарор (2024) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Стартап лойиҳалар ва венчур молиялаштириш экотизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ-357-сон қарори.
- Маркс К. (1962) Капитал. Том 3. Маркс К., Энгельс Ф. Сочинения. Издание 2. Том 25. – М.: Политиздат.
- Мирзиёев Ш.М. (2022) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Ҳалқ сўзи, 21-декабр.
- Сорокин, А.В. (2016) Кейнсианская проверка теории Маркса / А. В. Сорокин // Журнал экономической теории. № 3. – С. 95.
- Фоломьев, А.Н. (1999) Венчурный капитал / А. Н. Фоломьев, М. Нойберт; Рос. акад. гос. службы при Президенте Рос. Федерации. – СПб. : Наука, – 140 с.